

**ИҚТИСОДИЙ СУДАЛАРДА ДАЛИЛЛАР ТУШУНЧАСИ, УНИНГ
ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ
ПОНЯТИЕ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ В ЭКОНОМИЧЕСКИХ
СУДАХ, ЕГО ВИДЫ И ЗНАЧЕНИЕ
THE CONCEPT OF EVIDENCE IN ECONOMIC COURTS, ITS
TYPES AND IMPORTANCE**

Гулямова Назокат Рахимовна

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби 2-иктисодий гурӯҳи тингловчиси

АННОТАЦИЯ

Тадқиқот ишида далиллар тушунчаси, унинг турлари ва аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси асосида судларда далилларни таъминлаш ва қўллаш соҳасидаги қонунчилиги ва унинг хорижий давлатлар қонунчилиги билан қиёсий таҳлили, далилларни таъминлаш бўйича қўлланиладиган тартиб-таомилларнинг турлари ва уни суд амалиётида такомиллаштириш масалалари акс эттирилади.

Мазкур тадқиқот ишининг долзарблиги иқтисодий процессуал хуқуқида далилларни таъминлашнинг хуқуқий табиати ҳамда аҳамияти етарлича тадқиқ этилмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексида электрон далилларга ва уларга хуқуқий баҳо беришга оид процессуал нормалар мавжуд эмаслиги билан намоён бўлади.

Калит сўзлар: далилларни таъминлаш чоралари, далилни таъминлаш, далиллар, далилларни тақдим этиш, суд, суд хужжати, тарафлар, иштирокчилар.

АННОТАЦИЯ

Понятие доказательства, его виды и значение, законодательство в области предоставления и использования доказательств в судах на основе

Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан и его сравнительный анализ с законодательством зарубежных стран, виды процедур, используемых для предоставления доказательств и вопросы ее совершенствования в судебной практике отражены в исследовательской работе.

Актуальность данной исследовательской работы проявляется в том, что правовая природа и значение предоставления доказательств в экономическом процессуальном праве недостаточно исследованы, отсутствие процессуальных норм относительно электронных доказательств и их правовой оценки в Экономическом процессуальном кодексе Республики Узбекистана.

Ключевые слова: меры доказывания, доказывание, доказательства, представление доказательств, суд, судебный документ, стороны, участники.

ANNOTATION

The research work reflects the concept of evidence, its types and significance, the legislation in the field of provision and application of evidence in the courts on the basis of the economic procedural code of the Republic of Uzbekistan and its comparative analysis with the legislation of foreign countries, the types of procedures used to ensure evidence and its improvement in judicial practice.

The relevance of this research work is manifested in the fact that the legal nature and importance of providing evidence in economic procedural law is not sufficiently researched, the economic procedural code of the Republic of Uzbekistan does not contain prosessual norms regarding electronic evidence and legal assessment of them.

Keywords: Evidence assurance measures, evidence assurance, evidence, evidence presentation, Court, court document, parties, participants.

Далиллар тушунчаси, унинг турлари ва аҳамияти.

Суд ишларини юритишида далиллар катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Тўпланган далиллар асосида суд процессида иштирок этаётган тарафлар талаблари ва эътиrozларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хуносалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Далиллар биринчи навбатда ўзларининг фактик маълумотлардан иборат эканлиги билан характерланади ва бу маълумотларнинг мазмуни ишни ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатларни туғри ифодалайди. Бундай маълумотларни қанчалик туғри эканлиги суд томонидан буларнинг ташкил топиши, сақланганлиги, қайта ишланганлиги жараёнини ўрганиш йўли билан шунингдек, бошқа маълумотлар билан таққослаш йўли билан текшириб чиқилган бўлиши керак. Далил сифатида тақдим қилинган маълумотларни қанчалик асосли эканлигига суд маслахат хонасида баҳо беради Иш бўйича ҳал қилув қарорига асос қилиб аниқ маълумотлар олинади.

Хуқуқшунос олим М.Треушниковнинг фикрига кўра, иқтисодий (арбитраж) суд ишларини юритишида далилларни текшириш ва баҳолаш қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилишнинг энг муҳим босқичларидан биридир. Далилларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги далилларга баҳо беришга таъсир қиласи. Далилларни баҳолашда кўриб чиқадиган маълумотлар далил қийматини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси далилларни баҳолаш иқтисодий (арбитраж) судларининг қарорлари ва ҳал қилув қарорлари адолатли қабул қилинишига олиб келади¹.

Суд қандай ҳолатлар иш учун аҳамиятга эга эканлигини, уларни ишда иштирок этувчи тарафлардан қайси бири исботлаши кераклигини аниқлайди,

¹ Треушников М.К. Судебные доказательства. - М.: Городец, 2004. - с.140.

ҳатто тарафлар бу ҳолатларни далил қилиб келтирмаган бўлса ҳам уларни суд муҳокамасига қўяди.

Далиллар тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан тақдим этилади. Конунчиликда суд уларга қўшимча далиллар тақдим қилишни таклиф этиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида далилларга қуйидагича таъриф берилган, “Далиллар – қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда олинган маълумотлар иш бўйича далил бўлиб, улар асосида ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътиrozларини асословчи ҳолатлар, шунингдек ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлиги аниқланади. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади. Конунни бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди¹.

Американинг Британика энциклопедиясида (Britannica Encyclopedia) ҳам далил (evidence) қонунга асосан суд ва маъмурий жараёнда фактларнинг рост ва ёлғонлигини исботловчи воситалар (хужжатлар, гувоҳлик кўрсатмалари, ашёвий далиллар) эканлиги баён этилади².

М.К.Треушников далиллар иборасини икки хил маънода тушуниш мумкинлигини таъкидлайди: биринчидан, далиллар ҳар қандай фактик маълумот ҳамда гувоҳлик натижасида олинган маълумотлар бўлса; иккинчидан, ашёвий далиллар, ёзма далиллар, тарафларнинг тушунтиришларидир. Биринчи ҳолатда далиллар ахборот хусусиятига эга бўлиб, ўзида далиллар процессуал шаклга эга бўлган ўзида фактик маълумотларни сақлаган ахборотдир³.

В.Ярков иқтисодий суд ишларида далилларни тақдим этиш тартиби моддий ҳукуқ нормаларида белгиланиши айтиб ўтади. Хусусан, “Банкротлик тўғрисида”ги қонунда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризада

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент. Адолат. 2010. - 122 б.

² Britannica Encyclopedia. Library of Congress. USA. 2003. 200

³ Треушников М.К. Судебные доказательства. М.: Городец, 2004. - с. 80.

қарздорнинг қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек қарздорнинг кредиторнинг талабларини тўлиқ қондириш қобилиятининг йўқлиги; қарздор-фуқаронинг мол-мулкининг таркиби ва қиймати тўғрисида ҳужжатлар, қарздорларнинг рўйхати, бухгалтерия ҳисботи ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилиши белгилаган¹.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодий ишлар бўйича судлар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган далилларни синчковлик билан текширмасдан ва уларга ҳуқуқий жиҳатдан баҳо бермасдан, ҳал қилув қарорларини қабул қилмайдилар.

Иқтисодий процессуал ҳуқуқида далилларни назарий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилишда уларни классификация қилиш муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш лозимки, далилларни процессуал назарий жиҳатдан классификация қилинишида процессуалчи олимларнинг турлича ёндошувлари мавжуд.

Жумладан, ҳуқуқшунос олим, ю.ф.д., профессор М.Мамасиддиқов далилларни қуидагида классификация қиласи. Манбасига қараб: шахсий ва ашёвий; вужудга келишига қараб: бирламчи ва ҳосила; далиллар билан исботланувчи факт ўртасидаги узвий боғланишга қараб: тўғри ва эгри.

Баъзан олинган манбасига қараб, далилни икки турга эмас, балки 3 турга бўлиш ҳам учрайди (кенг ёйилган) – шахсий, ёзма ва ашёвий. Бундай таснифлашнинг бошқача усули – шахсий, ашёвий (буюм ва ҳужжатлар) ва аралаш (эксперт хуносаси) турларига бўлишdir. Аралаш ажратишнинг асоси шундаки, улар ўз мустақил табиатига эга ва суд томонидан иккита далил манбаси (шахсий ва ашёвий) ажратилади. Маълумот манбаси бўлиб, бир тарафдан уни текшираётган эксперт, бошқа тарафдан эса буюмлар ҳисобланади².

Ёки, ҳуқуқшунос олим, ю.ф.д., профессор Ф.Отахоновнинг фикрича, банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриш ва ҳал этишда, шунингдек

¹ Ярков.В. Арбитражный процесс. Компендиум. Москва. 2011. - с. 56

² Мамасиддиқов М. Фуқаролик процесси. Фуқаролик ишлари бўйича судьяликка захирага олинган номзодлар учун кўлланма. Тошкент. Baktria press. 2014. - 138 б.

процессуал назарияда далилларнинг иккита умумэътироф этилган таснифи мавжуд:

- биринчидан, дастлабка ва ҳосила;
- иккинчидан, тўғри ва эгри¹ далиллардир.

Ю.ф.н., профессор Д.Хабибуллаев ҳам далилларни шаклига, тузилишига, далил билан исботланувчи факт ўртасидаги узвий боғланишига қараб таснифлайди. Унинг фикрига кўра, далиллар шаклига қараб: оғзаки, ёзма ва ашёвий далилларга бўлинади.

Оғзаки далилларга тарафларнинг, учинчи шахслар ва уларнинг вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳ кўрсатмалари ва ҳакозолар киради.

Ёзма далиллар шаклига кўра: расмий ва оддий ёзма далиллар; субъектига кўра: алоҳида ва хусусий; вужудга келишига кўра: ҳақиқий асли ва нусхаси каби турларга бўлинади.

Далиллар тузилишига (вужудга келиши) қараб: дастлабки ва ҳосила далилларга бўлинади. Дастлабки далил бевосита биринчи манбадан олинган далил бўлади. Масалан, ҳужжатнинг асли, ҳодисани ўз кўзи билан кўрган гувоҳнинг кўрсатмаси шундай далил бўлади. Ҳосила далиллар дастлабки далилнинг мазмунини акс эттиради. Масалан, ҳужжатнинг нусхаси, факт тўғрисидаги маълумотларни бошқа шахсларнинг сўзидан олиб айтuvчи гувоҳнинг кўрсатмаси бўлади.

Далил билан исботланувчи факт ўртасидаги узвий боғланишига қараб: тўғри ва эгри далилларга бўлинади.

Тўғри далиллар – исботланаётган факт билан бевосита алоқаси бўлган маълумотларни ўзида мужассамлаштирган далиллар бўлиб, яъни унинг мазмуни орқали иш бўйича исботлаш предметига кирувчи фактларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Эгри далиллар – исботланаётган факт билан билвосита алоқага эга бўлган далиллар бўлиб, у орқали иш бўйича исботлаш предметига кирувчи фактларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида тахмин қилиш мумкин.

¹ Отаконов Ф., Ибратова Ф. Ҳўжалик судларида банкротлик ишларини кўришнинг ўзига хос хусусиятлари. Монография. Тошкент. 2013. - 196 б.

Исботлаш предметига кирувчи фактни мавжуд ёки мавжуд эмаслиги битта эгри далил асосида аниқлаш мумкин эмас¹.

Агар иш бўйича суд фақат биргина далил билан хulosса чиқариш мумкин бўлса, тўғри далил ҳисобланади. Масалан, қарз тўғрисидаги тилхат қарзнинг берилган ва олинганилигини исботлайдиган бирдан-бир тўғри далил бўлиб ҳисобланади².

Рус хукуқшуноси В.Ярков ҳам далилларни манбасига ҳамда вужудга келишига қараб далиллар билан исботланувчи факт ўртасидаги узвий боғланишга кўра таснифлайди. Шунингдек, В.Ярков далилларнинг анъанавий тури, яъни гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари билан бир қаторда аудио ёки видеоёзувлар ҳамда бошқа материаллардан ҳам киритиш лозимлигини, технологияларнинг ривожланиши натижасида иқтисодий процессда компьютер, аудио ёки видеоёзувлардан фойдаланиш йўлга қўйилганини, янги далиллар учун маҳсус нормалар яратиш лозимлигини таъкидлайди.

М.Мамасиддиқов, Д.Хабибуллаев каби олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда далилларни шаклига қараб: оғзаки, ёзма ва ашёвий далилларга бўлиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда далилларни шаклига қараб қуидаги таснифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: оғзаки, ёзма, ашёвий ва электрон далиллар.

Электрон далиллар далилларни шаклига туркумланган анъанавий турлари бўлган оғзаки, ёзма ва ашёвий далиллардан ўзининг техник ва хукуқий ҳусусиятларидан тубдан фарқ қиласи. Шу боис электрон далилларни далиллар шаклиниг мустақил бир тури деб баҳолашимиз мумкин.

Далиллар вужудга келиш манбаларига қараб шахсий ва ашёвий далилларга бўлинади. Шахсий далиллар – бу фактлар ҳақидаги маълумотлар

¹ Иқтисодий процессуал хукуқ. Дарслик / Масъул мухаррир: ю.ф.д. З.Н.Эсанова. - Тошкент: ТДЮУ, 2019. - 176 б.

² Хабибуллаев. Д. Фуқаролик процессуал хукуки (саволлар ва жавоблар). - Тошкент. ТДЮУ, 2018. - 49 б.

манбаи бўлган ва аниқ жисмоний шахс томонидан билдирилган далиллар, масалан: тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг баёнотлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг тушунтиришлари киради. Ашёвий далилларга кўриладиган иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлган ашёлар киради.

Охирги йилларда Иқтисодий процессуал кодексга иқтисодий суд ишларини олиб боришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган нормалар киритилди. Бизнинг назаримизда далил доирасини ҳам замон талабидан келиб чиқсан ҳолда, янгидан классификация қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Хусусан, иқтисодий процессуал қонунчилик билан биргаликда иқтисодий процессуал ҳуқуқ назариясига электрон далилларга оид тушунчаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Эътироф этиш керакки, электрон далиллар ўзининг тузилиш жиҳатидан бошқа далиллардан хусусан, ашёвий ва ёзма далиллардан тубдан фарқ қиласди.

М.Горелов фикрига қўра, электрон далиллар – бу иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги рақамли форматда бўлган овозли ва видео ёзувлар кўринишидаги маълумотлардир¹.

С.Ворожбит М.Горелов фикрига қўшимча қилган ҳолда қуйидагиларни айтиб ўтади: аудио ёки видеоёзувлар рақамли форматда яратилиши ва судга тақдим қилиниши мумкин. Рақамли формат бу ахборотни сақлашни техник усулларидан бири бўлса, аудио ёки видеоёзув эса суд учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг шаклларидан биридир².

С.Ворожбитнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, электрон далиллар тузилиш жиҳатидан аналог ёки рақамли усулда яратилган, шу билан биргаликда электрон далиллар электрон хужжат (электрон имзо,

¹ Горелов М.В. Электронный доказательства в гражданском судопроизводстве России: Автореферат дис.... канд. юр. наук. Екатеренбург. 2005. - с. 8.

² Ворожбит С. П. Электронные средства доказывания в гражданском и арбитражном процессе: автореф. канд. юрид. наук. Санкт-Петербург. 2011. - с. 20.

максус реквизитлар талаб қилинади), электрон ёзишма, белгилар, чизмалар, жадваллар, смайликлар (хақорат, розилик ва бошқа маъноларни билдиришлари мумкин), аудио ёки видеоёзув ҳамда бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

Шунингдек, электрон маълумотлар (график тасвирлар, аудио, видеоёзувлар), Интернет тармоғи манбалари (ижтимоий тармоқлар, веб-саҳифалар)да сақланаётган маълумотлар, медиа ва овозли хабарлар, метамаълумотлар, ахборот базаларини электрон далиллар жумласига киритиш мумкин.

Юқоридаги олимлар далилларни шаклига кўра оғзаки, ёзма ва ашёвий далилларга таснифлашган. Электрон далиллар ушбу шаклдаги далилларнинг ҳеч бирига ўхшамаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

В.Лаптаев суд иқтисодий (арбитраж) иш учун аҳамиятли бўлган ҳамда иш учун аҳамиятли ҳолатларни тасдиқлайдиган ҳар қандай хужжат ҳамда ашёни қабул қилиши лозим¹ деб ҳисоблайди. Ҳукуқшунос В.Лаптаев суд томонидан иш учун аҳамиятли бўлган ҳар қандай далилни қабул қилишда электрон далилларни ҳам назарда тутмоқда.

Электрон далиллар одатда сақловчи қурилмаларда (флешка, диск, компьютер, интернет ва бошқларда) сақланади, яъни улар моддий материалда сақланиши билан ашёвий далилларга ўхшайди. Бироқ, ашёвий далил билан электрон далил ўртасидаги асосий фарқ шундаки, суд томонидан ашёвий далилнинг ўзи тадқиқ қилинса, электрон далилларга суд томонидан баҳо берилаётганда электрон далилни сақловчи қурилма эмас, балки унинг ичидаги ахборот текширилади. Электрон далилларнинг флешка, диск ёки компьютерда сақланиши ва ушбу техник воситалар орқали текширилиши муҳим аҳамият касб этади. Айни шу тафовут ашёвий далил билан электрон далил ўртасидаги асосий фарқни белгилайди.

Электрон далиллар асосан электрон хужжат, электрон ёзишмалар, интернет хабарлари кўринишида бўлади. Бу эса уни ёзма далилларнинг бир

¹ Лаптаев В. Электронные доказательства в арбитражном процессе. Российская юстиция. 2017.№2. - с.57.

кўриниши сифатида баҳолашга олиб келади.

Электрон далилларнинг ёзма далиллардан асосий фарқи шундаки, электрон далиллар техник воситасиз ёки ахборот-коммуникация воситасиз текшириб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди. Мисол учун, электрон почтадаги хабарни ўқиши учун, албатта, компьютер ҳамда интернет бўлиши лозим.

Ёзма ва ашёвий далилларнинг намуналари чекланган бўлади, уларни бир неча киши текшириши мумкин. Электрон далилларни текшириш ва баҳолаш замон ва макон танламайди. Интернет, ижтимоий тармоқ ёзишмаларни, электрон почта хабарларини дунёнинг исталган бурчагидан чекланмаган миқдордаги одам ўқиши ҳамда нусха олиши мумкин.

Электрон далилларни махфий сақлаш бошқа далилларга қараганда нисбатан юқорироқ. Электрон далиллар электрон имзо, логин ва пароль билан ҳимояланган бўлади.

Юқорида далиллар тузилишига (вужудга келиши) қараб: дастлабки ва хосила далилларга бўлиниши ҳақида айтгандик. Далилларни тузилишига (вужудга келиши) қараб туркумлаш электрон далилларга хос эмас. Чунки, электрон далилдан қанча кўп нусха олманг, электрон далил ўз хусусиятини йўқотмайди ҳамда унинг нусхаси ҳам аслидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Компьютердаги маълумотларни телеграм ижтимоий тармоғига ёки электрон почтага ёхуд флешкага исталганча нусха кўчирсангиз ҳам уларнинг хусусияти ўзгармайди.

Шундай қилиб, далил – суд томонидан иш учун аҳамиятли бўлган ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари, эътиrozлари ва бошқа ҳолатларни мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ўрнатиш асоси ҳисобланган фактик маълумотлардир. Далил ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган фактлар ҳақида маълумотларни ўзида мужассамлаштиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Норматив-хуқуқий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1 Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий процессуал кодекс”. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/docs/3523891>

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

- 2.1 Britannica Encyclopedia. Library of Congress. USA. 2003. 200
- 2.2 Ворожбит С. П. Электронные средства доказывания в гражданском и арбитражном процессе: автореф. канд. юрид. наук. Санкт-Петербург. 2011. - с.
- 2.3 Горелов М.В. Электронный доказательства в гражданском судопроизводстве России: Автореферат дис.... канд. юр. наук. Екатеренбург. 2005. - с. 8.
- 2.4 Иқтисодий процессуал ҳукуқ. Дарслик / Масъул мухаррир: ю.ф.д. З.Н.Эсанова. - Тошкент: ТДЮУ, 2019. -176 б.
- 2.5 Лаптаев В. Электронные доказательства в арбитражном процессе. Российская юстиция. 2017.№2. - с.57.
- 2.6 Мамасиддиқов М. Фуқаролик процесси. Фуқаролик ишлари бўйича судьяликка захирага олинган номзодлар учун қўлланма. Тошкент. Baktria press. 2014. - 138 б.
- 2.7 Отахонов Ф., Ибратова Ф. Хўжалик судларида банкротлик ишларини кўришнинг ўзига хос хусусиятлари. Монография. Тошкент. 2013. - 196 б.
- 2.8 Треушников М.К. Судебные доказательства. - М.: Городец, 2004. - с.140.
- 2.9 Ўзбекистон юридик энциклопедияси.Тошкент. Адолат. 2010.
- 2.10 Encyclopedia. Library of Congress. USA. 2003. 200
- 2.11 Хабибуллаев. Д. Фуқаролик процессуал ҳуқуки (саволлар ва жавоблар). - Тошкент. ТДЮУ, 2018. - 49 б.
- 2.12 Ярков.В. Арбитражный процесс. Компендиум. Москва. 2011. - с. 56